

BUXORO
ISLOM OLAMI MADANIYATI POYTAXTI
عاصمة الثقافة في العالم الإسلامي
— 2020 —

O`ZBEKISTON REPUBLIKASI
OLIY VA O`RTA MAXSUS
TA`LIM VAZIRLIGI

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI 1930

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI

# BUXORONING JAHON MADANIYATIDAGI O`RNI

## RESPUBLIKA MIQYOSIDAGI ONLAYN ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

*2020, 27-aprel*

*KONFERENSIYA MATERIALLARI*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

# “БУХОРОНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ”

***мавзусидаги Республика миқёсидаги онлайн илмий-амалий анжуман***

# М А Т Е Р И А Л Л А Р И

**БУХОРО – 2020**

Илмий – амалий анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2020 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги № 56-ф сонли фармойиши асосида Бухоро давлат университетида 2020 йилнинг 27 апрель куни ***“Бухоронинг жаҳон маданиятидаги ўрни”*** мавзусида Республика миқёсида **онлайн** илмий-амалий анжумани белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.


**Масъул муҳаррир:**

**БухДУ профессори, тарих фанлари доктори Ҳ.Ҳ.Тўраев**

**Таҳрир ҳайъати:**

| | |
|---|---|
| **Бухоро давлат университети ректори, иқтисод фанлари доктори** | **О.Х.Хамидов** |
| **Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент** | **О.С.Қаҳҳоров** |
| **Тарих ва маданий мерос факультети декани в.в.б.** | **Ж.Р.Жўраев** |
| **Бухоро тарихи кафедраси мудири в.в.б. тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)** | **Ф.У.Темиров** |
| **Бухоро тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди** | **М.Б.Қурбонова** |
| **Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)** | **Д.М.Жамолова** |

**Тўплаб нашрга тайёрловчилар:**

**Темиров Ф.У. – Бухоро тарихи кафедраси мудири в.в.б., т.ф.ф.д., (PhD)**

**Болтаев А.Ҳ. – Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси**

**Мубинов М.А. – Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси**


***Илмий-амалий анжуман материалларида чоп этилаётган мақола ва тезислардаги матн, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар***

## МУНДАРИЖА

**О.Х.Хамидов .**“БУХОРО – ШАРҚ ДУРДОНАСИ” ...................................... 3

**БУХОРО АРХЕОЛОГИЯСИ, ЭТНОГРАФИЯСИ ВА ТОПОНИМИКАСИ.......................................................................... 5**

Бобожонова С.У. БУХОРОДАГИ БИРИНЧИ ДОРИХОНА ........................... 5
Jumaeva N. BUXORO VOHASI TOPONIMIKASI HAQIDA BA’ZI MULOHAZALAR ............................................................................................ 7
Қорёғдиев З.О. БУХОРО ЛЎЛИЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК МАШҒУЛОТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ........................................................ 9
Қурбонова М., Норова Д. БУХОРО ДАРВЕШЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ҲИРҚАСИ ..................................................................................................... 13
Murtazoyeva N.J.THE ARCHEOLOGY, ETNOGRAPHY AND TOPONYMY OF BUKHARA .................................................................................................. 16
Нафиддинова Х.Р. БУХОРО ШАҲРИДА НИКОҲ ТЎЙЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ............................................. 19
Очилов А.Т. ҚИЗИЛҚИР ЁДГОРЛИГИНИНГ АРХЕОЛОГИК АСОСЛАРИ ................................................................................................................... 22
Samadov G.Z. BUXORO VOHASI AHOLISINING KOSMOGONIK TASAVVURLARI ......................................................................................... 25
Тўраев А.И. БУХОРО ВОҲАСИ ЧАНДИР ТУРКМАНЛАРИНИНГ ЭТНИК ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР....................................................................... 28
Қурбонова М.Б., Умаров Б.Б. Н.А.КИСЛЯКОВ ТАРИХ-ЭТНОГРАФИЯ МАКТАБИНИНГ ЙИРИК ВАКИЛИ ........................................................... 32
Хасанова Г.К., Раджабова Ш.Р. ИСТОРИЯ ЭТНОГРАФИИ АРХЕОЛОГИИ БУХАРЫ........................................................................................................... 35
Юсупова М.Ў. БУХОРО ВОҲАСИ МАРОСИМЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎРГАНИЛИШИ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР ............................... 37
И.Х.Шоев. МОНЕТЫ И КЛАДЫ ДОМУСУЛЬМАНСКОГО ПЕРИОДА ИЗ КОЛЛЕКЦИИ БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО МУЗЕЯ-ЗАПОВЕДНИКА (ПО НУМИЗМАТИЧЕСКИМ МАТЕРИАЛАМ)........... 40

**БУХОРО ВОҲАСИДА ДАВЛАТЧИЛИК АСОСЛАРИ, ШАҲАРСОЗЛИК, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ........................................................................... 47**

Alimova Sh.B. AMIR TEMUR VA MIRZO ULUG‘BEKNING BUXORODA ILM-FAN VA MADANIYATNI RIVOJLANTIRISHDA QO‘SHGAN HISSALARI ............................................................................................... 47
Бобожонова Ф.Х. БУХОРО МАДРАСАЛАРИНИНГ ЖАҲОНИЙ ШУҲРАТИ .............................................................................................. 50
Бобоев Ф. БУХОРОДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ КУРАШ ....... 53

Baqoyev U. BUXORO AMIRLARINING SOG’LIQNI SAQLASHGA OID CHORA-TADBIRLARI ........ 57
Джураева Ф.Х. СОМОНИЙЛАР ДАВРИДА БУХОРОДА АДАБИЙ ҲАЁТ ........ 59
Давурова Ш.Ҳ. БУХОРО АМИРЛИГИ САВДОГАРЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРКИБИ ХУСУСИДА ........ 62
Исроилова М.Ф. БУХОРОДА МАНҒИТЛАР ҲУКУМРОНЛИГИ ДАВРИДА МОЛИЯВИЙ ЖАРАЁН ........ 66
Қудратов Ш.Ё. БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ БОЗОРЛАР ВА КАРВОНСАРОЙЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ........ 69
Mamatov D., Yadgarov N. BRIEF DESCRIPTION OF SOME ARCHITECTURAL MONUMENTS OF BUKHARA ........ 74
Маматова М.Б. ЧАЙНАЯ ИСТОРИЯ БУХАРЫ ........ 77
Махкамова Н.Р. СОЦИАЛЬНАЯ СТАРИТИФИКАЦИЯ ОБЩЕСТВА БУХАРСКОГО ЭМИРАТА В КОНЦЕ XIX — НАЧАЛЕ XX ВВ. ........ 80
Murodova D.Sh. BUXORO VILOYAT DAVLAT ARXIVINING TASHKIL TOPISHI ........ 84
Норматов О.М. БУХОРО БОЗОРЛАРИ ВА САВДО-СОТИҚ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДАН ........ 88
Ражабов Қ. БУХОРОДАГИ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ ТАРИХИДАН: МУЛЛА АБДУЛҚАҲҲОР ЖАСОРАТИ ........ 91
Рашидов Ш. БУХОРОДАН БОШЛАНГАН ДОВРУҒЛИ ЙЎЛ ........ 94
Саидов Ж.Ж. БУХОРО ШАРҚ ГАВҲАРИ ........ 98
Сафаров Т.Т. БУХОРО АМИРЛИГИ ВА АФҒОНИСТОН ЎРТАСИДАГИ АЛОҚА ЙУЛЛАРИНИНГ САВДО МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ЎРНИ (XIX аср II ярми) ........ 100
Содиқов Ф. ТУРКИСТОН АССР МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИДА ИНҚИЛОБИЙ ҚЎМИТАЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ........ 104
Ҳаётова Н.З. ҚАДИМИЙ ВА ЎРТА АСРЛАРДА БУХОРОДА ШАҲАР МАДАНИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИ ........ 107
Халифаев М. М. МУХАММАДАЛИ БАЛДЖУВАНИ О МАДРАСАХ ГОРОДА БУХАРЫ ........ 111
Шарипов Г.З. ШТРИХИ К ИСТОРИИ ВОЕННОГО ДЕЛА БУХАРСКОГО ЭМИРАТА ПЕРИОДА ПРАВЛЕНИЯ ЭМИРА НАСРУЛЛЫ (1826-1860 ГГ.) ........ 117
Шукруллаев Ю. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИДАГИ БУХОРО АМИРЛИГИ ҚЎШИНИ ТАРКИБИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБ ҚОИДАЛАРИГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР ТАВСИФИ... 124
Есебаев М. МИФ, МИФЛИК ОБРАЗЛАРДЫҢ ҚӘЛИПЛЕСИЎ ТИЙКАРЛАРЫ ҲӘМ ХАЛЫҚ ДӘСТАНЛАРЫНДА СӘЎЛЕЛЕНИЎИ 128
Орзиев М.З. XIX АСРНИНГ ОХИРИ-XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА КИТОБ БОСИШ ИШЛАРИ ХУСУСИДА ........ 131

Шодиева Ш.С. БУХОРО АМИРЛИГИ ВА УСМОНЛИ ТУРК ДАВЛАТИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ ХУСУСИДА .......... 134
Ф.Х.Джураева. БУХОРО – СОМОНИЙЛАР ДАВРИДА АДАБИЙ ҲАЁТ .......... 137
Абдураҳмон Бодиров. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ВА САМАРҚАНД-ЛИКЛАРНИН КЎЧИРИБ КЕЛТИРИЛГАН БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИГИ .......... 141
Маҳамедова Гулрух, Бекмирзаев И.И. Бухоро қозилик маҳкамаларида карантинга оид ҳукмлар .......... 144
Yusupova Nilufar. A LOOK AT THE HISTORY OF BUKHARA .......... 148
Мунисжон Ҳакимов. ЖАМОЛ КАМОЛ ПУЛИЦИСТИКАСИДА ҚАЙТА ҚУРИШ МАСАЛАЛАРИ .......... 153
Sattorov Sh., Bobojonova F. Boburiylarning O‘zbekistondagi bugungi avlodlari tarixidan .......... 159
Амонова Ф. XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ТЕМИР ЙУЛ ИШЧИЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ АҲВОЛИ .......... 164
Исроилова М., Ўтаева Ф. Бухорода манғитлар ҳукумронлиги даврида молиявий жараён .......... 167
Зоҳид Мадраҳимов. ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО АЛОҚАЛАРИДА БУХОРО ШАҲРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ .......... 170
Шодиева Ш. БУХОРО АМИРЛИГИ ВА УСМОНЛИ ТУРК ДАВЛАТИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ ХУСУСИДА .......... 173

**БУХОРО ТАРИХИ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ .......... 177**

Ahmadov A.A. XIX ASR MANBALARIDA AFG’ONISTONNING BUXORO BILAN .......... 177
Аҳмедов Б. “АЛ-ҲИДОЯ” АСАРИНИНГ ЭНГ ҚАДИМИЙ НУСХАЛАРИДАН .......... 183
Алимова Р.Р. ҲОФИЗ ТАНИШ АЛ-БУХОРИЙНИНГ “АБДУЛЛАНОМА” АСАРИ БУХОРО-ҲИНДИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ БЎЙИЧА МУҲИМ МАНБА .......... 187
Болтаев А.О. БУХОРО ВА УНИНГ НОМИ МАЪНОЛАРИ ҚАДИМГИ МУАРРИХЛАР НАЗДИДА .......... 193
Болтаев А.Ҳ. БУХОРО ШАҲРИ ТАРИХИЙ ТОПОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ .......... 200
Джураев Ш.Г. Б.А.КАЗАКОВ – ЗНАТОК БУХАРСКИХ СВЯЩЕННЫХ МЕСТ .......... 205
Иминова Д.М. XIX АСР РУС ШАРҚШУНОСЛИГИДА БУХОРО ТАРИХИНИ .......... 209
Исакова М.С. ҚОРИ РАҲМАТУЛЛОҲ ВОЗЕҲ ВА УНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ .......... 212

Кличев О.А. АМИР АБДУЛАҲАД ВА ИМПЕРАТОР АЛЕКСАНДР III МУНОСАБАТИ ... 216
Каландарова Ф.А. БУХОРО ТАРИХИНИНГ МИРЗО СОМИЙ АСАРЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ ... 220
Курбанов Г.Н. ПЕЧАТИ БУХАРСКОГО ХАНСТВА В КОЛЛЕКЦИЯХ МУЗЕЕВ УЗБЕКИСТАНА И СНГ ... 223
Мухамеджанова Л.П., Шукруллаев Ю.А. САДРИ ЗИЁНИНГ ШАХСИЙ КУТУБХОНАСИ - БУХОРО ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА ... 226
Нажмиддинов З. “Саҳиҳ ал-Бухорий” ровийларининг хорижда ўрганилишига қисқа назар ... 231
Рахимджанова Н. АҲМАД ДОНИШНИНГ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИНИ ЁРИТИЛИШИ ... 236
Раҳимов К. VIII–XII АСРЛАРДА БУХОРОДА ИЛМ-ФАН РИВОЖИ ... 240
Садуллаева В. БУХОРО ТАРИХИ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИ МАСАЛАЛАРИ ХОРИЖЛИК ТАДҚИҚОТЧИЛАР ТАЛҚИНИДА ... 256
Таниева Г.М. А.А.СЕМЕНОВ АСАРЛАРИНИНГ СОВЕТ ДАВРИДА БУХОРО ХОНЛИГИ ДАВЛАТЧИЛИГИ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ ... 260
Тоғаева А.З. МАНБАЛАРДА БУХОРО ШАҲРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТИББИЁТИ ВА САНИТАР АҲВОЛИ ТАЛҚИНИ ... 264
To’rayeva G.B. N.XANIKOVNING “ ОПИСАНИЕ БУХАРСКОГО ХАНСТВА” ASARIDA BUXORO AMIRLIGI TOPOGRAFIYASI XUSUSIYATLARINING IZOHI ... 267
Холов В.Ю. XIX – XX АСР БОШЛАРИ ИНГЛИЗ МАНБАЛАРИДА БУХОРО ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА ТИЗМИ ТАВСИФИ ... 272
Худойқулов Т.Б. БУХОРО ТАРИХИ МАНБАШУНСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ БИЛИМДОНИ ... 276
Ҳайитов Ж. “ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ” XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИ ВА ДОНЧИЛИК ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРУВЧИ МУҲИМ МАНБА ... 280
Қосимов М.А. ШАМСУ-Л-АИММА САРАХСИЙ ВА УНИНГ МАБСУТ АСАРИ ҲАҚИДАГИ МУҲИМ ЖИҲАТЛАР ... 283
Нодиржон Абдулаҳатов. МЎМИНЖОН ҲАКИМ МАРҒИЛОНИЙ ХОТИРАЛАРИДА БУХОРО ТАЪРИФИ ... 287
Темирова Г., Қурбонова М.Б. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ТАЪЛИМ ВА ПЕДАГОГИКА ... 290
Азизов И. Бухоро амирлигида солиқ тизимини бошқариш масалаларининг рус тилидаги манбаларда ёритилиши ... 295
Дилноза Янгибоева. XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО ШАҲРИ ИЛМИЙ-АДАБИЙ МУҲИТИНИ ЎРГАНИШДА ЗИЁИ САДР КУТУБХОНАСИ “ФЕҲРИСТ”ИНИНГ АҲАМИЯТИ ... 301

**БУХОРО ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИ МАКТАБИ .................... 305**
Асророва Л. МИРИ ХУРД ВОБКАНДИЙ ШАХСИЯТИ .......................... 305
Амонов М.Ў. XVIII-XIX АСРЛАРДА НАҚШБАНДИЯ-МУЖАДДИДИЯ СИЛСИЛАСИНИНГ ЁЙИЛИШИ ........................................................................ 308
Алимов Х.М. ТАСАВВУФ ВА ЭЪТИҚОД ............................................... 312
Бозорова Н.Х. ВОЗНИКНОВЕНИЕ ТЕОРИИ ВОСПИТАНИЯ И ОБУЧЕНИЯ БАХОУДДИНА НАКШБАНДИ .......................................... 315
Қосимов У.А. ТАСАВВУФ ПСИХОЛОГИЯСИ ИЗЧИЛ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ОРҚАЛИ ЎЗИНИ-ЎЗИ АНГЛАШ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ........................................................................................ 318
Норова М.Ф. САЙФИДДИН БОХАРЗИЙ МАЪРУЗАЛАРИДА ҚУРЪОН ОЯТЛАРИ МАЪНОЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ ....................................... 321
О.Х.Узоқов. БУХОРОЛИК БУЮК МУТАВАССУФЛАР ВА УЛАР ТАЪЛИМОТИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ВА ТАЪЛИМ ТУРИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ ......... 326
Шавкат Ҳайитов. «ҲУШ ДАР ДАМ » ЗИЁСИ ........................................... 329

**“БУХОРИЙ”ЛАРНИНГ ИЛМИЙ, ТАРИХИЙ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ, УЛАРНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ............................................................................ 332**
Madrahimov Z.SH., Aliyeva N. Buyuk alloma imom al-Buxoriy .................. 332
Исломов З.М. Алломалар меросида бухоролик фақиҳлар ҳақида............. 335
Қораев Ш. Халил Султон мажлислари ва Хожа Исматилло Бухорий ...... 339
Nigmatov A.X. Bahouddin Naqshband va uning merosi ................................. 343
Sultonova A. Tib ilmi sultonining “Qonun” kitobi haqida.............................. 346
Эвадуллаев Т. Имомзода Бухорийнинг “Уқудул ақоид” асари – калом илмига оид муҳим манба ....................................................................... 348
Саидов Ж. Ж. Ислом маданияти пойтахти бухорийлари ........................... 354
З.М.Исломов. Алломалар меросида бухоролик фақиҳлар ҳақида............. 356
Зафар Нажмиддинов. “Саҳиҳ ал-Бухорий” ровийларининг хорижда ўрганилишига қисқа назар ................................................................... 360
Z.Madrahimov, Ra’noxon Olimova. “Al-jome’ as-sahih”- islom olamidagi muqaddas manba .............................................................................................. 365
Амонов М. XVIII-XIX асрларда нақшбандия-мужаддидия силсиласининг ёйилиши ........................................................................................................ 367

**ЖАҲОН МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРКИБИДА “БУХОРОДАГИ МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР, ЗИЁРАТГОҲЛАР, АЗИЗ АВЛИЁЛАР ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ОБЪЕКТИ” СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШ ................................................................................ 372**
Болтаев Б.Б. Мустақиллик йилларида аналогик музей-қўриқхоналарини қайта тиклаш ва улар орқали туризмни ривожлантириш омиллари ......... 372
Гадоев Д.Х. “Болои ҳовуз” жомеъ масжиди ............................................. 375

Ғаниева С. БУХОРО МАДРАСАЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН................ 380
Rajabov O. Mahmud Torobiy qal'asi haqida ayrim qaydlar........................... 381
Расулов М.Ф. БУХОРОДА ХАЛҚАРО ВА ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР ........................................................................ 385
Султанова Л.С. Бухорода туризмни ривожлантиришда ислом тасаввуфий обидаларининг тарихий аҳамияти ................................................................ 388
Ҳайдаров Ю. БУХОРОЙИ ШАРИФ - ЖАҲОН ТАМАДДУНИ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИ ....................................................................... 392
Хайдарова Х.Х. БУХОРО ВА САМАРҚАНД ЭКОТИЗИМИНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ............................................. 398
Бобожонов Ш. БУХОРО ВОҲАСИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ ЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ........................................................................................ 401
A.X.Nigmatov. BAHOUDDIN NAQSHBAND VA UNING MERSOI ......... 404
Otayeva F. Bahouddin Naqshband ma'naviy merosining mustaqillik yillari davriy matbuot sahifalarida yoritilishi.......................................................... 407
Бозорова Н. ВОЗНИКНОВЕНИЕ ТЕОРИИ ВОСПИТАНИЯ И ОБУЧЕНИЯ БАХОУДДИНА НАКШБАНДИ ................................................................ 410

**БУХОРО САНЪАТИ (МУСИҚА, МЕЪМОРЧИЛИК, ҲУНАРМАНДЧИЛИК, МИННАТЮРА, ЗАРДУЗЛИК, В.Ҳ.) ВА МАДАНИЯТИ ТАРИХИ ...................................................................... 414**
Атамирзаева М.А. БУХОРО АМИРЛИГИ АНЬАНАВИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА................. 414
Дармонова М. БУХОРО ХАТТОТЛИК САНЪАТИ ВА ХАТТОТЛАРИ. 418
Зияева Д.Ҳ. БУХОРО АМИРЛИГИДА АНЪАНАВИЙ ХАЛҚ ТОМОШАЛАРИ.......................................................................................... 421
Kenjayev S.N. BUXORODA ZARDO'ZLIK SEXLARIINING AHVOLI .... 425
Мубинов М.А. КУЛЬТУРНЫЕ АСПЕКТЫ ЖИЗНИ И СПЕЦИФИЧЕСКИЕ КАЧЕСТВА РЕМЕСЛА БУХАРСКОГО ЭМИРАТА И РУССКО-ЕВРОПЕЙСКОЕ ВЛИЯНИЕ НА ЭМИРАТ (В XIX-XX ВЕКАХ) ............ 428
Равшанов Ў.Р. БУХОРОГА КЕЛГАН БИРИНЧИ ФОТОГРАФ............... 431
Рашидов У.О. Айвонлар Бухоро турар-жойларининг ажралмас компоненти........................................................................................... 434
Тангиров О.Э. XIX-XX АСР БОШЛАРИ МИЛЛИЙ ДЎППИЧИЛИК САНЪАТИ ТАРИХИГА ДОИР.............................................................. 437
Тўраев Ҳ. БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЎҚУВ БИНОЛАРИ ТАРИХИДАН ........................................................................................ 440
Хамраев И.Т. БУХОРО ҲОВУЗЛАРИ ..................................................... 445
Шукруллаев Ю. БУХОРОНИНГ АМИРИЛИГИНИНГ ҲАРБИЙ ОРКЕСТРИ........................................................................................... 449
Давлатова С. XIX асрнинг иккинчи ярми –XX аср бошларида Бухоро амирлигида анъанавий ҳунармандчиликнинг ҳолати ва муаммолари...... 452

Болтаев Б., Жумаева М. Миллий мусиқа санъатининг буюк намояндаси Мутаваккил Бурҳоновнинг Бухородаги уй-музейи тарихидан ................. 462
Dehqonov B.B. Buxoro hunarmandlarining kasbiy tarixidagi urf-odat va udumlari. ........................................................................................ 464
Ҳусен Хайруллоевич Джураев. XIV – XIX АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ВА БУХОРОДА МИНИАТЮРА МАРКАЗИ ................................................. 468
Azimova Sh.I. BUXORO XALQ QO'SHIQLARI VA MUSIQASI TARIXIGA NAZAR ........................................................................................ 472
Хамраев И. БУХОРО ҲОВУЗЛАРИ ........................................................ 474
Бахриев А. БУХОРО ШАШМАҚОМИ - САНЪАТИМИЗ ВА МАЪРИФАТИМИЗ КЎЗГУСИ ................................................................ 479
Р.Қиличев. БУХОРОДА ПОЙАБЗАЛДЎЗЛИК ......................................... 482
Р.Қиличев, Д.Убайдуллоева. БУХОРО ЗАРДЎЗЛИК САНЪАТИ МАРКАЗИ ........................................................................................ 485

**БУХОРО ЖАДИДЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ ВА ИЛМИЙ (МАЪРИФАТПАРВАРЛАР, ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАР) МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ .................. 488**

Ахмадова З.Ш. XX АСР БУХОРО ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ МУҲИТИДА АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ ЎРНИ ..................................... 488
Ахматов А.Ҳ. БУХОРО АДАБИЙ МУҲИТИ ВА АБДУЛАЗИМ СОМИЙ ........................................................................................ 490
Абдуллаева Ф.Ш. МАЪРИФАТРАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА БУХОРО ЖАДИДЛАРИ ҲАРАКАТИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ ................................ 493
Barnoyeva G.R. BUXORO JADID MA'RIFATPARVARI ABDURAUF FITRAT ILMIY ME'ROSIDA OILA MASALALARI ................................. 497
Жамолова Д. БУХОРОДА 1918 ЙИЛ МАРТ ВОҚЕАЛАРИ: УЛАМОЛАР ВА ЖАДИДЛАР КУРАШИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ .............................. 499
Qurbonov O'.R. BUXORODAGI TARAQQIYPARVAR GEOSIYOSIY QARASHLARNING RIVOJLANISHIDA ULKAN HISSA QO'SHGAN ALLOMA ........................................................................................ 503
Қаландаров Ҳ.Ҳ. ЁШ БУХОРОЛИКЛАРНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ ВА "ТАРБИЯИ АТФОЛ" ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИ ............. 507
Эргашева М.З., Эргашева М.Ғ. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ (ИЛМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ ВА УНИНГ КАФОЛАТИ ХУСУСИДА) ........................................................................................ 511
Наимов И. БУХОРОДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЪРИФАТПАРВАЛИК ДАВРАЛАРИ ҲАМДА УНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ .................. 514
Рашидов О. БУХОРОДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ........................................................................................ 519

Салохов А.Қ. XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО МАЪРИФАТПАРВАРЧИЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ ........ 522
Иноятов С., Собиров А. МИРЗО АБДУЛВОҲИД МУНЗИМ – БУХОРО ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ФАОЛЛАРИДАН БИРИДИР ......... 527
Timur Kocaoğlu. OSMAN KHOJA ........ 530
Tojieva I.S. TURKISTON JANUBIDA MA'RIFATPARVARLIK VA JADIDCHILIK HARAKATINING NAMOYON BO'LISHI XUSUSIYATLARINI O'RGANISH TARIXIMIZNI RIVOJLANTIRISHNING MUHIM OMILI ........ 532
Темиров Ф.У. САДРИДДИН АЙНИЙ ВА УНИНГ "БУХОРО ИНҚИЛОБИ ТАРИХИ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР" АСАРИ ҲАҚИДА ........ 535
Темиров Ф.У. САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ БУХОРО МАДАРАСАЛАРИ ВА ЖАДИД МАКТАБЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИ ........ 540
Turdiyev B.S. FITRATNING JAMIYATNI MA'NAVIY YANGILANISHI TO'G'RISIDAGI QARASHLARI ........ 545
Ҳайитов У. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВНИНГ 1918 ЙИЛГИ ИЖТИМОИЙ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ ........ 548
Ҳайитов Ш.А. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ВА ТУРКИСТОН МУҲОЖИРЛИГИ........ 554
Эргашева М.З. АБДУРАУФ АБДУРАҲИМ ЎҒЛИ ФИТРАТ – БУЮК ҲУҚУҚШУНОС ........ 560
Иноятов С. БУХОРО ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ЎЧОҚЛАРИДАН БИРИДИР: ТАРИХ ВА БУГУН ........ 565
Мажидов Ж.Ж. БУХОРОДА ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР ........ 570
Шаропова Ф.Қ., Шарипова М. ИМОМ АЛ БУХОРИЙНИНГ БИЗГА ҚОЛДИРГАН ИЛМИЙ МЕРОСИ ........ 573
Яхёев Х.Ю., Ниёзова Ш.Х. БУХОРО ЗАРДЎЗЛИК САНЪАТИ КЕЧА ВА БУГУН ........ 576
Музаффаров Ф.Д., Собиров У.Б. ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ ШАХСИЯТИ ....... 580
Зокиров Б.И. РУС САЙЁҲИ ФЛОРИО БЕНЕВИНИ КУНДАЛИКЛАРИДА БУХОРО ХОНЛИГИ ТАРИХИЙ ТОПОНИМИЯСИГА ОИД АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ ........ 585
Курбанов Б. КУЛЬТУРНЫЕ СВЯЗИ СРЕДНЕВЕКОВОЙ БУХАРЫ НА ПРИМЕРЕ ГРУППЫ МЕТАЛЛИЧЕСКИХ КУВШИНОВ ........ 589
Мубинов М., Шадиева В. ЦЕННЫЕ СВЕДЕНИЯ РУССКО-ЕВРОПЕЙСКИХ ИССЛЕДОВАТЕЛЕЙ ОБ ОТДЕЛЬНЫХ ЧЕРТАХБУХАРЫ (XIX- НАЧАЛО XXВ.) ........ 594
Oybek Rajabov, Маржона Исроилова. BUXORO JADIDCHILIGI VA YOSH BUXOROLIKLAR ........ 597
Oripova M. ABDURAUF FITRAT -  MA'RIFATPARVAR ADIB ........ 600

Тожиева И. МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ СИЁСИЙ – МАЬРИФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ТАЬЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ ............................ 604
Раҳмонов К. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВНИНГ ГЕРМАНИЯ САФАРИ ........ 607
Shoira Axmedova. JAHON TAMADDUNI VA BUXOROLIK IKKI BUYUK SIYMO IJODI ........................................................................................ 610

сиёсий ва иқтисодий аҳамият касб этган. Бу савда алоқаларида Бухоро шаҳрининг ўрни катта бўлган. Бухоро шаҳри икки хонлик савдо алоқаларида муҳим аҳамият касб этиш билан бирга, Қўқон хонлигининг Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, араб мамлакатлари, Туркия ва бошқа ҳудудлар билан савдо алоқаларида муҳим аҳамият касб этган. Юқорида келтирилган факт ва далиллар Қўқон ва Бухоро хонликлари алоҳида мустақил давлат эканликлари, баъзан сиёсий жиҳатдан рақобатлашиб турганларига қарамай, ягона иқтисодий маконда фаолият кўрсатганликларидан далолат беради.

## БУХОРО АМИРЛИГИ ВА УСМОНЛИ ТУРК ДАВЛАТИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ ХУСУСИДА

***Шодиева Шаҳло Солиевна***
*Бухоро тарихи кафедраси доктаранти*

Ўрта Осиё ва ҳозирги Туркия ҳудуди халқлари қадимдан ўзаро савдо-иқтисодий, маданий дипломатик алоқалар олиб борганлар. Айниқса ўрта асрларда Бухоро ва Усмонли турк давлатининг Эронга қарши биргаликда кураш жараёнлари икки ўртадаги дипломатик ва савдо-иқтисодий, маданий муносабатларни ривожланишига асосий туртки бўлган омиллардан эди. Бухоро амирлиги ташкил топгандан сўнг ҳам Усмонли турк давлати барча мусулмон давлатлари сингари Ўрта Осиёдаги давлатларга ҳам ўзининг вассали сифатида қараган. Бухоро амирлари эса, дастлабки вақтларда ўзларини Турк султонига тенг, дўст ҳукумдор деб ҳисоблаганлар. Мусулмон давлатлари бўлганликлари боис бир-бирларига ёрдам беришни ўзларининг асосий вазифалари деб ҳисоблаганлар. Тарихий манбалардаги маълумотларда, Истанбулга 1789 йил 24 июлда келган Бухоро элчилари давом этаётган Рус-Турк уруши жараёнида Туркияни қўллаб-қувватлаш учун қозоқлар билан биргаликда Россиянинг ички ҳудудларига босқин уюштирганликлари шу сабабли элчилар ортга қайтишда Кавказ ва Россиянинг чегаралари орқали эмас, балки Бoғдод ва Эрон орқали қайтишлари учун йўл харажатлар тўлаб бериш тўғрисида берилган фармон сақланиб қолинган[1].

Бухоро амирлиги ва Усмонли турк давлати ўртасидаги ўзаро илиқ муносабатлар XIX аср бошларида ҳам давом этганлигини тарихий адабиётларда келтирилган маълумотлар тасдиқлайди. Усмонли турк султонининг 1803 йил 22 апрелда Бухоро ҳукумдори (Амир Ҳайдар 1800-1826 йй)ни “Туркитон ва Турон ерлари подшоси унвони[2]”ни берилиши тўғрисидаги фармонюқоридаги фикримизни тасдиқлашга асос бўлиб хизмат

[1] История Центральной Азии в Османских документах. Том I. Политическое и дипломатическое отношения. – Самарканд: МИЦАИ, ТОА. 2011. – С. 18. - 310 с.
[2] История Центральной Азии в Османских документах. Том I. Политическое и дипломатическое отношения. – Самарканд: МИЦАИ, ТОА. 2011. – С. 34.

қилади. Бу каби маълумотларни яна кўплаб келтириш мумкин. Айтиш мумкинки, Бухоронинг мусулмон Шарқида диний мавқеи ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Шу сабабли Бухородан борган ҳар қандай шахсга Усмонли турк империяси ҳудудида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилган. 1851 йилда Истанбулга элчи сифатида келган ва ўзларини Бухоро хонининг жияни Ҳодихон, Сайил Аҳмад ва Абдураҳмонларнинг яшашлари учун хазинадан катта маблағ ажратилганлиги ва уларнинг кундалик харажатлари ҳам қоплаб берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат ҳам фикримизни тасдиқлайди[1].

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё хонликларига бир томондан Англия, иккинчи томондан Россия империяларининг айғоқчилари суқилиб кира бошлаган эди. Бу эса, маҳаллий ҳукумдорларни ташвишлантириб, уларни ҳарбий қўшинларини кучайтиришга ундаган. Бухоро амири Насруллохон илтимосига биноан Усмонли турк салтанати улуғ вазири Рашид пошшо ҳарбий инструктор Мустафо Чауш пошшони Бухорога юборган. аммо, Мустафо Чауш пошшо Бухоро давлати қўшинида енгил жиноятларга ҳам ўта оғир жазолар берилиши, кўп ҳолларда қатл этиш жазоларининг кўплигидан норози бўлиб, шикоят қилади. Бу эса амир Насруллога ёқмайди ва мустафо Чауш пошшони аввал зиндонга ташлаб, кеинчалик ўлдиртириб юборади[2]. Бу каби ҳаракатлар эса Бухоро ва Усмонли турк давлати ўртасидаги муносабатларни ёмонлашувига хизмат қилиши табий ҳол эди. кейинги жараёнларда ўзаро муносабатларда ишончсизлик ҳолатлари ҳам кузатилган.

Тарихий адабиётларда Турк султонининг ёрлиғи билан Бухорога келган Италиянинг Милан шаҳридан бўлган савдогарларнинг амир Музаффархон томонидан асирга олиниши, уларни озод қилиш учун 1863 йил 23 октябрда Турк султони томонидан юборилган илтимосноманинг беэътибор қолдирилиши, Усмонли турк ва Бухоро давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро ишончсизлик асосида қурилганлигини дея баҳолашимиз мумкин[3]. Италиялик савдогарларнинг Бухоро амирлигида келиши XIX аср ўрталарида Европада ипакчиликнинг инқирозга учрагани, ипак қуртларининг касалликка чалиниши ва етарли даражада ипак матоси олиш имконини берувчи тола маҳсулотлари бермай қолганлиги билан изоҳланади. “Туркестанский сборник” (“Туркистон тўплами”) саҳифаларидаги маълумотлар шундай хулоса қилиш имконини беради. Тўпламдаги маълумотларда италян савдогарларининг Усмонли турк

---

[1] История Центральной Азии в Османских документах. Том I. Политическое и дипломатическое отношения. – Самарканд: МИЦАИ, ТОА. 2011. – С. 178.

[2] история Бухары или трансоксианы в древнейщих времён до настоящаго. Германом Вамбери. Перевод А.И. Павловскаго. – С.-Петербург 1873//Туркестанский сборник Том 70. – С. 165. - 228 с.

[3] История Центральной Азии в Османских документах. Том III. Общественная и повседневная жизнь: – Самарқанд.: МИЦАЙ, ТОА. 2012. – С. 98. – 313 с.

султони ёрлиғига эга бўлсаларда қамоққа олинишлари, уларнинг Бухоро шаҳар харитасини тузишга уринишлари сабаб бўлганлиги ва уларни жосус деб ўйлаганликлари сабаб бўлганлиги русларнинг Бухорони қарам давлатга айлантириш жараёнида 1868 йилда Россия савдогари Хлудов томонидан озод қилишга эришилиши ва унинг ёрдамида хўжанд ва Тошкентдан ипак қурти уруғи олиниб, италияликлар ўз ватанлари жўнатилишлари билан боғлиқ маълумотларни ҳам учратишимиз мумкин[1].

Россия империясининг Ўрта Осиёни истило қилиш жараёнида бу минтақадаги давлатларни асосий иттифоқчиси сифатида Усмонли турк давлат майдонга чиқади ва элчи, айғоқчи, эмиссарлари орқали мусулмонларни бирлаштириш, умумий душманга қарши курашиш учун кураш бошлашга чорлай бошлайди. XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Туркиянинг асосий ҳамкори Афғонистон бўлиб, мусулмонларнинг бирдамлигини тарғиб қилиш, Бухоро, Хива, Туркистонни озод қилиш ғояларини тарғиб қилган[2].

Бухоро амирлигининг Россия империясига қарамлигининг дастлабки йилларида Туркистон генерал-губернатори Кауфман элчи сифатида Бухорога келган полковник Носович элчилиги (1870 йил май-июнь) даврида Бухорода халқ орасида Россияга қарши иттифоқ тузиш мақсадида Афғонистон, Хива ва Туркия элчилари келганлиги, амир руслардан қўрқиб, ушбу элчиликлар келганини яширишга урингани, элчилар таклифини рад этганлиги тарихий адабиётларда қайд этиб ўтилган[3]. Тарихий манбалардаги маълумотларда ҳам айнан шундай фикр-мулоҳазалар келтирилган бўлиб, полковник Носович элчилиги 17 май куни Бухорога келганлиги, 24 июнда Тошкентга қайтиши амирнинг эса Турк ва Афғон элчиларини билан Россия элчиларини учраштиришни истамаганлиги билан боғлиқ маълумотлар қайд этиб ўтилади[4].

Иккинчи инглиз-афғон уруши бошланиш арафасида Афғонистон ҳукумдори Шералихоннинг Россия империяси билан муносабатлари билан яхши томонга ўзгара бошлайди. Бу эса Англиянинг Ҳиндистон мустамлакасини таҳликага соларди. Афғонистонни Англияга мойил давлатга айлантириш ва Россияга қарши душманона сиёсат юритишда инглизлар Усмонли турк давлатидан фойдаланишга уриниб кўради. 1877 йил апрелда Кобулга келган Усмонли турк элчиси русларга қарши Туркия

---

[1] По Вопросу о вывоз в Европу шелковичных червей // Туркестанский сборник. Том 26. – С. 247.

[2] Васильев А.Д. Взаимоотношения Османской империи и государств Центральной Азии в середине XIX – начале XX вв. Автореферат на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. – М.: 2007. – С. 24. – 28.

[3] Бартольд В.В. Сочинения. 9-ти томов. Том II. Часть 1. Обшие работы по истории Средний Азии. Работы по истории Кавказа и Восточной Европии. – М.: Издательство восточной литературы 1963. – С. 411. - 1020 с.

[4] Прём Рускаго посольство в Бухаре // Туркестанский сборник Том 41. – С. 154-155.

билан Афғонистон иттифоқини тузиш, инглизлардан ёрдам олишни таклиф қилиб, Бухоро ва Хивани озод қилиш лозимлигини таклиф қилади. Аммо, Шералихон бу ҳақида Кауфманни огоҳлантирди[1].

Россия истилоси даврида Усмонли турк давлати ва Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатлар тарихида маърифатпарварлик, тараққийпарварлик ҳаракатлари, Рус-Турк уруши даврида, Триполитания, биринчи ва иккинчи Болқон урушлари, Биринчи жаҳон уруши даврида ўзаро муносабатларнинг ўзи алоҳида катта бир мавзу бўлиб, уни ёритиш келажакдаги вазифаларимиздан бири бўлиб ҳисобланади.

## Фойдаланилган адабиётлар

Бартольд В.В. Сочинения. 9-ти томов. Том II. Часть 1. Обшие работы по истории Средний Азии. Работы по истории Кавказа и Восточной Европии. – М.: Издательство восточной литературы 1963. – 1020 с.

Васильев А.Д. Взаимоотношения Османской империи и государств Центральной Азии в середине XIX – начале XX вв. Автореферат на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. – М.: 2007. – 28 с.

История Центральной Азии в Османских документах. Том I. Политическое и дипломатическое отношения. – Самарканд: МИЦАИ, ТОА. 2011. – 310 с..

История Центральной Азии в Османских документах. Том III. Общественная и повседневная жизнь: – Самарқанд.: МИЦАЙ, ТОА. 2012. – 313 с.

История Бухары или трансоксианы в древнейщих времён до настоящаго. Германом Вамбери. Перевод А.И. Павловскаго. – С.-Петербург 1873//Туркестанский сборник Том 70. – 228 с.

Прём Рускаго посольство в Бухаре // Туркестанский сборник Том 41. – С. 154-155.

Шикорад А.Б. Россия-Англия: Неизвестная война, 1857-1907 / А.Б. Шикорад. – М.: ООО Издательство АКТ, 2003. – 512 с.: 32 л. ил.

По Вопросу о вывоз в Европу шелковичных червей // Туркестанский сборник. Том 26. – С. 247.

[1] Шикорад А.Б. Россия-Англия: Неизвестная война, 1857-1907 / А.Б. Шикорад. – М.: ООО Издательство АКТ, 2003. – С. 120. – 512 с.: 32 л. ил.